

Сийрат дарслари (53-дарс). Илм талаб қилиш муслмон учун фарздир



17:43 / 04.10.2019 5661

267. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар: **«Аллоҳ таборака ва таоло: «Мен шерикларнинг ширкидан беҳожатиман. Ким қилган амалида Мендан бошқани Менга шерик қилса, уни ҳам, ширкини ҳам тарк қиламан», деди».**

Муслим ривоят қилган.

268. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Аҳли китоб Тавротни ибронийча ўқиб, муслмонларга тафсирни арабчада қилишарди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар:

«Аҳли китобларни тасдиқ ҳам қилманг, ёлғончи ҳам қилманг ва «Аллоҳга ва бизга нозил қилинган нарсага иймон келтирдик», денглар».

Бухорий ривоят қилган.

269. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон учун фарздир».

Ибн Можа, Байҳақий «Шуъабул-иймон»да ва Ибн Абдулбарр ривоят қилишган.

270. Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Аллоҳ кимга яхшиликни ирода қилса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди. Албатта, Аллоҳ беради, мен тақсимловчиман, холос, Албатта, бу умматнинг иши Қиёмат қоим бўлгунча мустақимликда бардавом бўлади ёки то Аллоҳнинг иши келгунча», деяётганларини эшитдим».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

271. Касир ибн Қайсдан ривоят қилинади:

«Дамашқ масжидида Абу Дардо розияллоҳу анҳу билан ўтирган эдим. Унинг олдига бир одам келди ва: «Эй Абу Дардо, ҳузурингга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шаҳарларидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилишинг ҳақида менга хабари етган ҳадис учун келдим. Ҳожат учун келмадим», деди.

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидагиларни айтганларини эшитдим: **«Ким илм талаб қилиш йўлига юрса, Аллоҳ унга жаннат йўлини осон қилиб қўяди. Албатта, фаришталар толиби илмни рози қилиш учун қанотларини қўяди. Албатта, олимга осмондаги зотлар, ердаги зотлар, ҳатто сувдаги балиқлар ҳам истиффор айтади. Олимнинг обиддан фазли худди оининг бошқа юлдузлардан фазлига ўхшайди. Албатта, олимлар набийларнинг меросхўрларидир. Албатта, набийлар динорни ҳам, дирҳамни ҳам мерос қолдиришмаган. Албатта, улар илмни мерос қолдиришган. Ким ўшани олса, улуғ насибани олибди».**

Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан